

Шерободда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланди



9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бугун 8 май куни Шеробод тумани “Буюк ипак йўли” маҳалласида жойлашган мотамсаро она ҳайкали хотира майдонида "Инсон қадри улуғ — Хотира муқаддас" шиори остида тадбир бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими З.Халилов ва сектор раҳбарлари, шунингдек, муҳофаа бўлими, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ўқувчи-ёшлар ва кенг жамоатчилик жам бўлди.

Тадбир иштирокчилари Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйишиб, бугунги тинч ва осуда кунлар учун жон фидо қилган юртдошларимизни ёд этдилар.